21 (351)
2003 йил 28 май
Чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ НОРАСМИЙ УЧРАШУВИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2003 йил 29 май куни Москва шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида, 30 май куни эса Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари раҳбарларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган норасмий учрашувида иштирок этади.

ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

2
- Гузарда кутубхона бўлса...
- Кархоналар қуриш эвазига ишсизлар камайди.

3
- «Тонг юлдузи» муштарийси келажак юлдузи.
- Парвона маҳалласида.

4
- Боситхон-табиб ва таржимон
- Обидалар тарихнинг тирик таржимони

148 - кун

1 июнь – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

ЖАМИЯТ БОЙЛИҒИ

Юртбошимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно ва албатта бахтли бўлмоғи шарт!" Ана шу улуғ ният республикамиз бўйича асосий шиорга айланиб, у тобора жамиятимиз ҳаётига сингиб бораётир. Илгари нари борса Москвда олий ўқув юртини битириб қайтадиган юртдошларимиз учун мустақилликдан кейин жаҳоннинг АҚШ, Англия, Франция, Япония каби мана-ман деган мамлакатларнинг эшиклари очилди. Ўнлаб, замонавий лицей, коллеж ва бошқа ўқув муассасалари улар ихтиёрида. Айниқса, республикамиз Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонидан сўнг уларни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш кун тартибидаги энг долзарб масалага айланди.

Бола бошидан, деган мақол бежиз айтилмаган. Зотан, фарзандларимизнинг энг ёшлигидан бошлаб спорт турларига бўлган кўникмаларини шакллантириб боришда алоҳида мантиқ бор. Шундай қилинса, аввало у соғлом бўлади, тажриба орттира бошлайди, бўлғуси катта мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини олади. Энг муҳим ижтимоий масала бундай ёшлар оила қурганда ҳам оиласи соғлом бўлади. Демакки, бу оила аъзолари жамият ривожланишига ҳам баракали улуш қўша олади. Шу аснода авлод баркамоллиги юзага келади. Ҳукуматимизнинг Соғлом авлод дастурини ишлаб чиқишдан ҳам асосий мақсадларидан бири шу эди.

Бу борада Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан уюштирилаётган тадбирлар янада самарали бўлмоқда. Футбол бўйича "Футболимиз келажаги", шахмат-шашка, кураш бўйича ўтказилаётган мусобақаларда мамлакатимиздаги барча маҳалла аҳли болалари иштирок этмоқда. Энг муҳими бу мусобақалар анъана тусини олди. "Маҳалла" жамғармасининг ўнлаб вазирликлар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан амалга ошираётган спорт, соғломлаштириш, хайрия, меҳр-оқибат кўрсатишга оид тадбирлари юртимиз болаларининг эртасига замин ясамоқда.

Ҳозирги пайтда болалар спорт ўйингоҳлари нафақат, корхона, ташкилотларда, балки кўпгина маҳаллаларда ҳам қурилиб, ишга туширилмоқда. Спорт билан шуғулланиш биринчи навбатда болалар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари, жисмонан чиниқишлари ва янаям аниқроғи, жиноятчиликнинг олдини олишда энг муҳим омил сифатида рол ўйнайди. Яна бир гап. Болалар спортини ривожлантириш, бу - келгусида ёшларимиз республикамиз шаънини жаҳон миқёсида ҳимоя қилади, демакдир. Бундай йўл диёримизнинг оламга кенгроқ танитиш имконини беради. Буларнинг ҳаммасига эришишда болаларимиз учун барча шароитларни яратиб беришимиз керак бўлади. Уларнинг ўз вақтида дам олиши, даволаниши, билим олиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосий воситалардан биридир. Айниқса, экологик мураккаб шароитда яшаб, ўқиётган Оролбўйи минтақасида юқоридагидек тадбирлар кенг кўламда амалга оширилаётгани ибратлидир. Шу муносабат билан яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси муҳим аҳамият касб этади. Унда мутасадди вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарлари болаларнинг ёзги дам олиш мавсумига тайёргарлик масалалари хусусида фикрлашиб олдилар. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг серфарзанд, кам таъминланган оилаларидан 4 минг нафар ўғил-қизни юртимизнинг энг сўлим, хушманзара оромгоҳларида бепул соғломлаштириш ва дам олдириш жорий йил режасида кўзда тутилган.

Ҳадемай, республикамиз бўйича болаларнинг ёзги таътили бошланади. Ушбу мавсумда фарзандларимизнинг кўнгилдагидек даволанишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун биз, катталар имкониятимиздаги барча нарсаларни ишга солишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Мамажон ака Аҳмедов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси. Шунингдек, ҳозирда Самарқанд шаҳридаги Оби-машад маҳалласида оқсоқоллик қилмоқда.

Спорт ҳаётининг бир бўлагига айланган Мамажон ака ўз маҳалласида кўплаб спорт турлари бўйича машғулот олиб боради, невараси Шаҳриёрни ҳам машҳур полвон қилиш ниятида.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг "Президент - мустақиллик меъмори" асари тақдимоти ўтказилди. Бу маросимда университет профессор-ўқитувчи ва талабалари, таниқли олим ва адиблар иштирок этди.

РИСОЛА ТАҚДИМОТИ

Сўзга чиққанлар "Президент - мустақиллик меъмори" асарида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сиймоси нафақат Ўзбекистон мустақиллиги ижодкори, балки унинг тараққиёт йўлини белгилаб берган шахс сифатида ёритилганини таъкидлади.

Асар муаллифи ўз сўзида бу рисола унинг узоқ йиллик кузатувлари ва шахсий хулосалари ҳосиласи сифатида қоғозга тушганини айтди ва қатнашчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлидан ҳикоя қилувчи "Бунёдкорлик" фильми намойиш этилди. Тақдимот сўнгида иштирокчилар Самарқанд Давлат университети музейлари, шунингдек, Президент Ислом Каримов асарлари кўргазмаси билан танишди.

Абулфайз САЙИДАСҚАРОВ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ахборот гуруҳи ходими.

Фарғона вилояти

"КВАРЦ"ДА МАҲАЛЛА КЎРИК-ТАНЛОВИ

Қувасой шаҳар "Кварц" акционерлик жамиятида Обод маҳалла йилига бағишланиб цех ва бўлимлар ўртасида кўрик-танлов ўтказилди.

Кўрик-танлов Низоми корхона маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилиб мақсад ва вазифалари белгиланиб олинди.

Танловга корхонадаги барча цех ва бўлимлар қизғин тайёргарлик кўрдилар, Жамоалар сараланиб 6 та цех жамоаси корхона танловига тавсия этилди.

"Корхона, маҳалла жонкуяри" деб номланган биринчи шарт бўйича корхонада узоқ йиллар ишлаган, ишлаб чиқариш илғорлари ва жамоат ишларида фаол иштирок этувчи, ишчи ва ходимлар орасида ҳурматга эга, шу билан бирга ўз маҳаллаларида обрў-эътиборга сазовор, маҳалланинг барча тадбирларини ўтказишда фаоллиги билан ўрнак бўлиб келаётган ишчи ва ходимлар тавсия этилди. Иштирокчилар шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан ўрганилиб тавсияномалар орқали тасдиқланди. Шунингдек танлов қатнашчилари "Миллий қадриятларимиз - эъзозда", "Миллий санъатимиз халқ ардоғида" деб номланган шартлар бўйича беллашдилар.

Ғолиблар "Кварц" акционерлик жамияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси томонидан Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Б.ҲАСАНОВ,
"Кварц" АЖ Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи.

Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

Маҳалла ҳаёти қайноқ. Бу жойда яшаётганларнинг аксарияти ўзининг ижтимоий, баъзан шахсий муаммоларини ҳал этишда маҳаллага суянади. Демакки, маҳалла оқсоқоли, унинг атрофидагилар етарлича ҳуқуқий билимга эга бўлмоқлари керак.

Бу Обод маҳалла йили дастуридан ўрин олган вазифалардан биридир. Шунга кўра, республика "Маҳалла" жамғармаси, Тошкент шаҳар бўлими жамғармаси ва жамғарманинг "Маҳалла зиёси" ўқув-услубий маркази томонидан тегишли вазирликлар иштирокида Ички ишлар Академияси биносида маҳалла фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида ўқув-семинар курси иш бошлади. Курс машғулотларида иштирок этган Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Бектемир туманларининг маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раислари, педагог тарбиячилари нафақат ҳуқуқий, балки маҳалла ҳаётига оид кўплаб жиддий муаммоларни ҳал этишга қаратилган масалалар бўйича ҳам билимга ва зарурий маълумотларга эга бўлдилар. Шу сингари ўқув-семинар курсларини маҳаллалар етакчилари иштирокида доимий ташкил этиш режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси

ШОИРЛАР ОВУЛИ ҒОЛИБ БЎЛДИ

НУКУС. /ЎЗА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ/. Обод маҳалла йили муносабати билан «Маҳалла» жамғармаси, «Экосан» халқаро жамғармаси ва Республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ўтказаётган «Энг обод маҳалла» танловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

Танлов ҳайъат аъзолари жойларда бўлишиб, туман ва шаҳарларда ғолиб деб топилган маҳаллалар фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар, ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари акс этган видеотасмалар билан батафсил танишиб чиқди.

Тадбирда иштирок этган 17 та маҳалла орасидан Нукус шаҳридаги Шоирлар овули маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти ибратли деб топилди ва танловнинг бош мукофоти билан тақдирланди. Ғолиб маҳалла танловнинг Тошкентда ўтказиладиган мамлакат босқичида иштирок этади.

● Бугунги мавзу

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ - ШАРАФЛИ БУРЧ

Яқинда бўлиб ўтган парламент сессиясида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар эслатиб ўтилди ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида» янги Қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун муҳокамаси чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов 1989 йилда бир неча юзлаб ўзбекистонлик аскарларнинг ўлими ҳақида ачинарли далиллар келтирди. Ўшанда мен беихтиёр 1991 йилнинг январи охирида Новосибирскка борганимни эсладим. Вазифам осон эмас - журналистлик текшируви ўтказишим керак эди. Мен ва «Совет Ўзбекистони» журналининг ўша пайтдаги фотомухбири Валентин Кавелин Сибир ҳарбий округининг ҳарбий қисмларида хизмат ўтаган ўзбекистонлик йигитларнинг ўлдирилгани ҳақида кўплаб далилларни рад қилишимиз ёки уларни тасдиқлашимиз зарур эди.

Ўша пайтдаги қаҳратон қиш, 30 даража совуқда қўлида белкурак ушлаган жиззахлик ва қаршилик йигитларнинг совуқ урган қўлари сира ёдимдан чиқмайди. Уларнинг кўпи касал ва бошидан армияга чақирилмаслиги керак эди. Шунингдек, кўплари Совет армияси тузилмаларида кенг ёйилган, ёш аскарларга нисбатан «зўравонлик» азобига дучор бўлган эди. Офицерларнинг шикоят қилишича, улар калондимоғ, такаббур, кўпчилиги буйруқларни бажармайди. Кейинчалик биз йигитлар билан суҳбатлашганимизда маълум бўлдики, улар хоҳламагани учун эмас, чиндан ҳам рус тилини тушунмагани учун буйруққа бўйсунмаган. Уларнинг бошқалардан кўпроқ «гауптвахталарда ётишининг» сабаби ҳам шунда эди. Бошқа йигитларимиз эса ҳарбий хизматни «қурилиш батальони»да ўташи, Сибирнинг аёвсиз совуғида «ковла», «қур», «таши» деган буйруқларни бажаришига тўғри келди. Ўзининг жонажон қишлоғидан биринчи марта четга чиққан ёш йигитлар кўзларига ёш олиб, биздан ёрдам сўрагани ҳалиҳамон эсимда. Афсуски, ўшанда бунинг иложи йўқ эди...

(Давоми 3-бетда)

Обуна-2003

-Яна нима дейди?
-Иккинчи ярим йилликка обуна бошланибди, дейди!
-Биз йиллик обуна бўлганмиз, деб айт!

Муносабат, таклиф

● Ободнома

ҲИРОТ: НАВОИЙ ОБОД ЭТГАН МАҲАЛЛА

Бутун инсоният бадиий ижодининг тараққиётига таъсир ўтказиб келаётган, ўзбек адабий тилининг, ўзбек адабиётининг асосчиси, бунёдкори Алишер Навоий давлат ва жамоат арбоби, кенг қамровли бунёдкор сифатида ҳам машҳурдир. Унинг давлат ва жамият, хусусан маҳалла тузилиши, ободончилиги борасидаги амалий фаолияти, кўпгина фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида улуғ аллома Алишер Навоийнинг Афғонистондаги хоки-покларини ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари Абу Райҳон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур турбатларини ободонлаштириш масаласи бизнинг ворислик қарзимиз, виждоний бурчимиз эканлигига эътибор қаратди.

Бобомиз Алишер Навоий 1497 йили Нишопурга борганларида одатларига кўра азиз-авлиёларнинг қабрларини зиёрат қилар эканлар, Шайх Фаридуддин Аттор мақбарасига ҳам қадам ранжида этадилар. Мақбаранинг хароба ҳолига келиб қолганини кўрган улуғ инсонпарвар мақбарани таъмирлатиб қўяди. Биз бир гуруҳ ўзбекистонлик сайёҳлар бу табаррук қадамжони зиёрат қилиш насиб этганда кўрдикки, мақбара ҳамон Алишер Навоий таъмирлатган ҳолатида сақланиб турибди. Навоийшунос олима Суйима Ғаниеванинг ёзишларича, Навоий бундай савобли ишларни кўплаб амалга оширганлар. Жумладан, Навоий ўзи уч-тўрт ёшларида шеърларини ёд олган Озарбайжоннинг Сароб деган жойида туғилган, машҳур шоир ва дин арбобларидан Қосим Анвар Ҳазратнинг мозори атрофини обод этиб, гумбазли мақбара қурдирганлар. Алишер Навоийнинг бу беназир одати, бебаҳо фазилатини олим Е.Э.Бертельс ҳам ўз вақтида фахр билан таъкидлаб ибрат олишга даъват этган. Навоий қурилишларидан Эрон Хуросонида ҳозирги кунга қадар сақланиб қолганлари: Машҳалддаги Имом Ризо мақбарасининг жанубий айвони, Машҳад хиёбонидаги ариқ, Нишопур яқинидаги машҳур шоир Фаридуддин Аттор мақбараси, Сангбаст работи, Дизобод (Диобод) работи, Турук қишлоғидаги тўғон, Жом вилояти Харжир яқинидаги Лангар қишлоғидаги шоир Қосим Анвар мақбараси, Хуросондаги Кургон ва Астробод йўлида қайта тикланган Ишқ работи кабилардир. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Фикримизнинг далили шуки, Навоийнинг ташаббуси ва маблағига биргина работнинг ўзидан элликдан ортиқ иншоотлар қурилган. Манбаларнинг хабар беришича, Алишер Навоийнинг бунёдкорлик ишлари адади 370 дан ортиқ.

Давоми 4-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Нашр кўрсаткичи: 148
Хомий: «Матбуот тарқатувчи» хиссадорлик жамияти

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИРОҚ БИЗНЕС УЧУН ОЧИҚ

Ироқ аҳолиси орасида урушдан кейин биринчи марта маош тарқатилди. Электр энергияси билан таъминлаш соҳасида банд бўлган олти мингдан ортиқ давлат хизматчисига лавозим ва қилган меҳнатига қараб, 80 дан 400 долларгача берилди. Маълумотларга қараганда, 3 июнга қадар давлат хизматчиларининг барчасига маош тўлиқ тарқатилади. Ўқитувчи ва шифокорларнинг маоши можародан аввалги кўрсаткичга қараганда бир неча бор ортади.

АҚШнинг Ироқдаги маъмурияти раҳбари Пол Бремер журналистлар билан учрашиб, талай диққатга сазовор маълумотларни ҳавола этди. Унинг маълум қилишича, айни пайтда иттифоқчилар Ироқдаги вазиятни тўлиқ назорат қилмоқда. Пол Бремернинг «Ироқ замини бизнес учун қайта очилди», деган гапи бутун дунё ишбилармонлари нигоҳини Ироққа қаратди. АҚШ маъмуриятининг нуфузли вакили томонидан айтилган бу фикр Ироқ иқтисодиётига сармоя киритиш, мамлакатни тиклаш, ироқлик бизнесменлар билан самарали ҳамкорлик қилиш учун зарур шарт-шароит яратилганидан далолат берди. П.Бремернинг бу сўзлари дунё ишбилармонларига қаратилган ўзига хос даъват бўлиб янгради.

Барқарорлик ва ўзаро ишонч ҳар қандай бизнеснинг асоси экани барчага маълум. Охирги йигирма йил ичида учта урушни бошдан кечирган мамлакатда бир кунда тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги аниқ. Шундан келиб чиқилса, айни пайтда қилиниши лозим бўлган ишларнинг энг муҳими - мамлакатда тинчлик ўрнатиш.

Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, Ироқнинг ташқи қарзи 400 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин. Бу маблағнинг аксарияти Саддам Ҳусайн ҳукмронлиги даврида Ироқ ҳукумати томонидан олинган. Айни пайтда дунё мамлакатлари бу масалани ҳал қилиш борасида музокараларни бошлаб юборган.

Тўғри, кўпчилик мустабид тузум вакилларига берилган қарзнинг барчасини қайтариб олиш мумкин эмаслигини тушуниб турган бўлса-да, миллиардлаб доллардан воз кечиш ҳам осон бўлмайди. Шу сабаб, агар айни пайтда иттифоқчилар ва янги тузилажак Ироқ ҳукумати мазкур масалани сих ҳам кабоб ҳам қуймайдиган тарзда ҳал қила олмаса, жўнроқ айтганда, йўқотилаётган ишончни тикламаса, катта сармоя жалб этиш қийинлашиши турган гап.

Ироқни тиклаш учун қанча вақт кетиши, қанча маблағ сарф қилиниши борасида фикрлар, башоратлар, ҳисоб-китоблар талайгина.

Лекин уларни бир четга суриб, рақамларга мурожаат қилинса, Ироқда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, ҳақиқатан ҳам, сезилари даражада эканига амин бўлиш мумкин. Бу ўзгаришлар айниқса Ироқнинг нефт қазиб чиқариш соҳасида яққол намоён бўлади. Айни пайтда Ироқда кунига 800 минг баррел нефт қазиб чиқарилмоқда (икки ҳафта аввал - 600 минг баррел эди). Ироқ муваққат маъмурияти нефт вазирлиги раҳбари Самир ал-Гадбаннинг айтишича, жорий йилнинг охирига қалар бу кўрсаткич 3 миллион баррелга етиши мумкин. Бу эса можародан аввалги миқдорга тенгдир.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шарҳловчиси

● Обод маҳалла йили шиори: Ҳар бир маҳаллада кутубхона бўлсин!

ГУЗАРДА ҚАССОБХОНА ҲАМ, САРТАРОШХОНА ҲАМ ЗАРУР

КУТУБХОНА-ЧИ?

· Бир бошга ҳам устара, ҳам даража керак...
· Сартарошхона, нонвойхона, қассобхона, дорихона ҳар куни тонгдан шомгача ишлайди, кутубхона эса фақат иш кунида 9-18 гача ишлайди...
· Кутубхона ташкил қилиш осон эмас, аммо ҳал қилса бўлади. Таклиф шуки...

Бугун ҳар бир маҳалла гузари, унинг таркибида чойхона, нонвойхона, сартарошхона, қассобхона, дорихона сингари одамларнинг ҳар кунлик моддий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган жойлар қурилишига эътибор катта. Бу қилинаётган ишларнинг барчаси хайрлидир. Бироқ назаримизда, маънавий эҳтиёжларга хизмат қиладиган муассасалар, хусусан кутубхоналар тўғрисида жойларда кам эътибор қаратилаяпти. Ёки маҳалла учун кутубхона қассобхоначалик, сартарошхоначилик зарур эмасмикан?

Аниқланишича, юртимиздаги маҳаллаларнинг 15-20 фоизи ҳудудида ҳозирнинг ўзида ишлаб турган кутубхоналар мавжуд. Бу озми, кўпми? Кутубхонали маҳаллалар асосан шаҳар ва туманларнинг марказида жойлашган маҳаллалар бўлиб, уларда ҳам шаҳар, туман, вилоят кутубхоналарининг шахобчалари фаолият юритмоқда. Устига-устак шу маҳаллаларнинг барчасида ҳам фаоллар ва маҳалла йиғининининг кутубхона билан алоқаси яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Бу кутубхоналарнинг кўпчилиги эрталаб 9-10 дан кеч соат 17-18 гача, яъни маҳалла аҳолисининг аксарияти ишда ёки ўқишда бўлган пайтда ишлайди. Аҳоли ишдан ва ўқишдан қайтаётган пайтда ва дам олиш кунларида, яъни фуқароларнинг китоб, газета-журнал ўқишга вақтлари бўлган пайтда эса улар беркилади. Бундай жойларда маҳалла оқсоқоли ва фаоллар кутубхона раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, бирон мақбул тўхтамга келишса бўлади. Бироқ ҳудудида кутубхона бўлмаган маҳаллаларнинг фуқаролари нима қилишсин?

Маҳаллада кутубхона ташкил қилишнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, битта китобнинг нархи фалон пул бўлиб турган ҳозирги кунда бу ишни ҳал қилишнинг иложи йўқдай кўринади. Бунинг устига кутубхона учун хона керак, кутубхоначи керак, стол-стул дегандай, анча нарса талаб қилинади. Лекин тадбиркорлик билан иш юритилса, бу муаммоларнинг барчасини ечиш мумкин.

Бино масаласига келсак, маҳалла кутубхонасида жуда катта миқдорда китоб, газета-журналлар жамланмайди, шунинг учун ўртача катталикдаги бир хона кифоя қилади. Бундай хонани маҳалла гузаридан ҳам топса бўлади.

Кутубхонанинг китоб фондини фуқароларнинг хонадонларида фойдаланилмай ётган китоблари ҳисобига ҳам жамлаш мумкин. Ҳар бир хонадон ўртача 3-4 китобни кутубхонага ҳадя қилиши мумкин. Бунда ҳар бир хонадон соҳиблари ўзлари ўқиб бўлган 3-4 китобни ҳадя қилиш эвазига бошқа хонадонлардаги китобларни ўқиш имкониятига эга бўлишади.

Кутубхонадаги газета-журналларга обунани ҳам маҳалла фуқаролари билан бамаслаҳат ҳал қилиш мумкин. Маҳалладаги хонадонларнинг кўпчилиги битта-иккита ёки бир нечта газета ва журналларга обуна бўладилар. Айни пайтда улар бошқа газета ва журналларни ўқишга ҳам эҳтиёж сезишади. Лекин барча газета ва журналларга обуна бўлишнинг имкони йўқ. Маҳалла фуқаролари орасида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилса, хонадонларнинг кўпчилиги ўзлари обуна бўлган журналларни ўқиб бўлишгач, уларни кутубхонага беришга рози бўлишади. Қарабсизки, битта нашрга обуна бўлган фуқаро бир нечта нашрни ўқиш имкониятига эга бўлади.

Биз маҳалла кутубхонасини ташкил қилиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамирдан қил суғургандай осон битадиган иш демоқчи эмасмиз. У анча фикр юритиш, тадбиркорлик ва фаолликни талаб қилади. Лекин бу йўлда қилинган меҳнат зое кетмайди. Обод маҳалла йилида маҳаллаларимизнинг ўз кутубхонасига эга бўлиши улардаги маънавий ҳаётнинг бойиши, юксакликка кўтарилишига кўмаклашади.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
Рисолат РУСТАМОВА,
А.Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти ўқитувчиси.

● Посбонлар фаолияти

Сирдарё вилояти

ЖИНОЯТЧИ ИЗИДАН

Маҳаллаларда ўз-ўзини бошқариш, огоҳлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда ҳуқуқ-тартибот органлари ва маҳалла ходимлари ҳамкорлиги жуда муҳим. Сирдарё вилояти ИИБ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими бошлиғи милиция майори Ҳикматилла Эрматов вилоятда ушбу ҳамкорлик самараси хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

Маҳалла посбонлари, асосан, маҳалланинг ибратли, довюрак, қалбида ўз яқинларига, маҳалладошларига меҳри бор йигитлардан таркиб топган. Вилоятда ҳаммаси бўлиб 192 та "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмаси мавжуд. Ҳар бир жамоат тузилмасида олти-етти нафаргача посбонлар хизмат қилмоқдалар. Сўнгги пайтларда уларнинг кўмагида кўпгина жиноятларнинг илдизи қирқилмоқда. Кўпгина жиноятлар тугуни ҳам посбонлар ёрдамида ечилмоқда.

Йил бошидан бери 29 та жиноят бевосита маҳалла посбонлари иштироки билан очилди.

Тунги қароқчилар

Боёвут туманидаги Боёвут ширкатлар уюшмаси Муқимий номли бўлимида яшовчи фуқаро Қ.Умаровнинг баҳоси 235000 сўмлик қорамоли ғойиб бўлган. Ушбу ўғрилик юзасидан маҳалла посбони Ш.Худойқулов дарҳол Ички ишлар бўлимига хабар берди. Натижада гумондорлар М.Н. ҳамда С.Ш.лар қўлга олиндилар. Тергов натижаси шуни кўрсатдики, улар қорамолни ўғирлаб кетишган экан.

Баҳорда бир куни...

М.Назаров Гулистон шаҳри ҳудудида жойлашган Баҳор маҳалласи посбонлари сардори. У шу маҳалла фуқароси А.Мусаевнинг Т.О.З. русумли ов қуролини ноқонуний сақлаётганини аниқлаган. Ноқонуний қурол сақловчига нисбатан тегишли чора кўрилди.

Ўғри узоқдан келмас

Сайхунобод тумани Сайхунобод қўрғонида яшовчи Анатолий Ким 2003 йилнинг 22 февраль куни уйида турган 30000 сўм пул ва баҳоси 70000 сўмлик сув насоси ўғирланганидан ташвишга тушди. Ушбу жиноят изига тушган посбон Э.Эшқуловнинг сайи ҳаракатлари беҳуда кетмади. Маҳалладоши Д.Х.нинг айби исботлангач, "душман узоқдан келмас" дейилган халқ нақли яна бир карра ўз исботини топди.

Жиноятнинг "янги" тури

2003 йил 2 февраль куни Гулистон шаҳри IV мавзе 16-уй ёнида турган "Тико" русумли автомашинасидан баҳоси 180000 сўмлик автомагнитафон ўғирланган. Бўстон маҳалласи посбони Н.Ҳайдаров ташаббуси билан жиноятчи Н.Х. ўз қилмишига иқрор бўлди.

Компьютер "ишқибози"...

Сирдарё шаҳрилик 20 ёшли И.Ш. жорий йилнинг 6 март кунида шаҳар Санитария Эпидемиология назорат марказига қарашли бўлган баҳоси 400000 сўмлик компьютернинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаган. Аммо, ўғрининг "байрами" жуда тез якун топди. Посбон Т.Аширматов хабарига асосан жиноятчи қўлга олинди ва айбига иқрор бўлди.

Лайло НАЖМУЛЛО.

Гулистон шаҳри.

ОТ - экологик ТОЗА ДАСТЁР

Отлар ҳақида қадимдан ривоятлар тўқилган, отлар инсоннинг энг яқин дўсти эканлиги ҳақида эртаклар битилган. Умуман йилқичилик ҳақида оммавий ахборот воситаларида, хусусан газеталарда ҳам мақолалар ёритилаяпти. Аммо амалий чоралар кам. Экологик тоза от уловларидан хўжаликларда жуда кам фойдаланилади. Барча техникага ёпишиб олган. Унинг атмосферамизга келтираётган зарари билан қизиқишмайди. Отлар далада ишчи сифатида ҳам улов сифатида ҳам экологик тоза, беминнат хизматчи эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Энг муҳими ёнилғининг нархи осмонда бўлган шу кунда йилқичиликни ривожлантириш муҳим эмасми?

Етмишинчи йилларда Чотқол тоғ этакларида жойлашган "Чимён" санаторийсида ўпка сили билан оғриган беморларни бия сути билан даволашарди. Унинг семиз, серёғ гўштидан тайёрланган мазали қазиси совуқлиги ошган ҳар қандай беморни оёққа турғазади.

От қили чўтка саноати учун муҳим хом-ашёдир. Тайёрланаётган кийим, оёқ чўткалари шу кунда нотабиий сунъий эканлигини биламиз. Бироқ от қилидан тайёрланган чўткалар ҳар томонлама қулай ва пишиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан маҳсулот таннархи қимматлашиб кетди, деган гаплар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Ишлаб чиқариш воситаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида маҳсулот таннархи ошиб бормоқда. Дала ишларида отлардан фойдаланиш шубҳасиз маҳсулот таннархини арзонлаштиради. Тоза зотли отларимиз эса юртимиз кўрки қолаверса, узоғимизни яқин қиладиган беминнат уловдир.

Иноят НЕЪМАТОВ,
меҳнат фахрийси.

● Ҳокимлик ва маҳалла

Норбой ШОМУРАТОВ, Жарқўрғон тумани ҳокими.

ИШСИЗЛАР 78 ФОИЗГА КАМАЙДИ

- Жарқўрғон тумани бой тарихга эга. Унинг фидойи халқи ҳар жабҳада илғор. Ўтган 2002 йил ўзгаришлар ва муваффақиятлар йили бўлди. Барча тармоқлар шартномавий режалар ошириб уддаланди. Жумладан, ғалла етиштириш давлат режаси Республикада биринчи бўлиб бажарилганлиги туфайли Республика Президентининг табригини олишга муваффақ бўлинди.

Амалдаги йилнинг биринчи чорагида саноат корхоналарида 13 млрд. 585 млн. 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу - ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп, демакдир.

Мустақиллик йилларида туманда ташқи иқтисодий алоқалар ривожланди. Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами кенгайди. Биргина ўтган йили туман бўйича 14 миллион 789 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди. Ташқи иқтисодий айланма маблағи 15 миллион 251 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Туманда 2002 йили чет эл сармояси ҳисобидан 2 та қўшма корхона қурилиб ишга туширилди. Айни пайтда "Сурхонтекис" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида мингдан ортиқ жарқўрғонликлар самарали меҳнат қилмоқда. Янги корхоналар барпо этиш ҳисобига ишсизлар сони 78 фоизга камайди. Ёки уч мингдан ортиқроқ йигит ва қизлар мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Натижада ўтган йили Какайди, Минор, Мингчинор маҳалла гузарлари қурилиб, меҳнаткашлар ихтиёрига топширилди. Какайди қўрғонидаги туғруқхона мажмуаси, Оқ тепа массивидаги қишлоқ врачлик пункти, ёзги оромгоҳлар қурилиши ишга туширилган бўлса, марказий туғруқхона биноси, 3 та мактаб ва 1 та болалар боғчаси замон талабига мос равишда тўлиқ таъмирланди. Шаҳар кўчалари кенгайтирилди. Марказий хиёбонда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.



Шу йилнинг ўтган уч ойида туман маҳаллаларида 3,2 километр газ, 1,6 километр ичимлик сув қувурлари тортилди. 10300 квадрат метр уй-жойлар қурилди. 15 километр атрофида маҳалла кўчалари жорий таъмирдан чиқарилди.

Обод маҳалла йили муносабати билан туман халқ таълими муассасаларида ҳам анча ижобий ишлар амалга оширилди. Маҳалла, оила, мактаб концепциясининг иккинчи босқичига асосан таълим муассасаларида маҳалла оқсоқоллари ва фаоллаларининг ҳамда ота-оналарнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа турли тадбирлар ўтказиляпти. Тумандаги мавжуд 59 та маҳалла, 7 та қишлоқ ҳамда 1 та қўрғон фуқаролар йиғинларида ободончилик кундалик иш мезонига айланган. Маҳалла оқсоқоллари корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари билан ҳамкорликда маҳалла гузарларини ободонлаштирмоқдалар. Янги гузарлар барпо этиш, спорт мажмуалари қуриш ҳамда мавжуд ўйингоҳларни қайта таъмирлаш, кенгайтириш ишларини амалга оширмоқдалар. Ҳозир туман маҳаллаларида 10 дан ортиқ замонавий гузарлар халққа хизмат қилмоқда. Биргина ўтган йили барча қулайликларга эга бўлган 4 та замонавий гузар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда ҳам ана шундай замонавий гузарлар, спорт иншоотлари, ўйингоҳлар қуриш, мавжудларини бошдан-оёқ қайта таъмирлаш кўзда тутилган. Бундай хайрли ишга юздан ортиқ фермер, ширкат хўжаликлари, йирик саноат корхоналари раҳбарлари бош қўшган. Улар ўз сармоялари ҳисобидан маблағ ажратганлар.

Маҳалла йиғинларида атрофмуҳитни тозалаш, кўкламзорлаштириш, обод этиш билан бир қаторда "Энг обод маҳалла", "Озода хонадон", "Кўркам кўча", "Намунали оила", "Маҳалла тарихини биласизми?" каби ибратли кўрик-танловлар ўтказилди.

Бундай диққатга сазовор ишларни амалга оширишда Н.Бойназаров номли, Қўлдовли, Янгиобод, А.Навоий номли маҳалла фуқаролари йиғинлари бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Абдукарим Ибодуллаев, Йўлдош Эргашев, Мардонақул Эсанов, Давлат Алибоев, Нурхон Қобилов сингари оқсоқолларимиз маҳаллаларни обод қилиш, фуқароларнинг турмуш даражасини кўтариш, тинч-осуда ҳаёт кечиришларини таъминлаш йўлида катта куч-ғайрат сарфлаяптилар.

Суҳбатдош: Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сурхондарё вилояти

Қорақалпоғистон Республикаси

ҚИЗКЕТКЕН БЎЙЛАРИДА...

Нукус шаҳри марказидан Қизкеткен канали оқиб ўтади. Каналнинг ғарбий соҳилида Турон маҳалласи жойлашган. 7000 нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қилувчи кўркам овулда овулдошлар ўзларининг азалий удумларига кўра, бир-бирларини жон-диллан сийлашади, қуюқ бордикелди қилишади.

Есенбой Утибоев кўли ҳам, кўнгли ҳам очиқ йигит. У маҳалла оқсоқоли бўлиб сайланди-ю, қадим гўшага қайта жон кирди. Ташаббускор раҳбар нафақат ҳар бир хонадонга, ҳар бир юракка яқиндан йўл топди. Қисқа фурсат ичида «Эски шаҳар» деб ном олган бу қўрғоннинг тарихча эскилиги қолмади.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Қизкеткен канали соҳилидаги сўлим ошхона табаррук отахон ва онахонлар билан тўла бўлди. Турон маҳалласи ҳудудида яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари шарафига безатилган байрам дастурхони атрофида уруш хотиралари тилга олинди, истиқлол инъом этган бахтиёр замонамизга шукуроналар айтилди. Хусусан, Мадрим Холмуротов, Закрия Майороваларнинг табрик нутқларида келтирилган ҳаётий воқеалар тўпланганлар кўз ўнгида жонли тарих сифатида гавдаланди.

Кеча ниҳоясида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди. Қизкеткен бўйларида янграган қўшиқ жаранглари қалбларга ҳузур бағишлади.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ.

Мурувват

Урганч шаҳридаги "Матрасул Саричи" фирмасига қарашли Наргис қаҳвахонаси жамоаси мурувват кўрсатиб, 5- ва 27-маҳаллаларда яшовчи ногиронлар учун алоҳида жой ажратди. Улар бу ерда миллий ва Европача овқатлар, шу ернинг ўзида ёпилаётган тандир нонлар, ҳўл мева-ю, салқин ичимликлар ёки турли пиширириқлардан истаганча истеъмол қилишлари мумкин. Бунинг учун эса ҳақ олинмайди. Ошпазлардан С.Бобожонов, Г.Раҳимовалар тайёрлаётган турли хил овқатлар мазалилиги, витаминларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ошхонанинг катта зали ҳам икки маҳаллада яшовчилар тўй-ҳашамлари, юбилей кечалари, маъракa-ю маросимлари учун жуда аскотмоқда. Энг асосийси - жой ҳам, барча анжомлар ҳам, кўрсатиладиган хизмат ҳам бепул.

Суратда: Қаҳвахонада бепул хизмат пайти.

Сураткаш: Болтабой ЭРНАФАСОВ.

● Қишлоқда ишлаб чиқариш

"ВАЛИГУЛ" ШАРБАТЛАРИ

Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамони, Паркент туманига қарашли Заркент ширкат хўжалиги раиси Тожибой ака Ризоевни юртимизда кўпчилик яхши танийди. 80 ёшни қоралаб бораётган бу отахон қарийб 45 йилдан бери шу ширкат хўжалигини бошқариб келади.

Туманда ким билан суҳбатлашсангиз: "Заркентликлар моддий томондан анча бақувват, деярли ҳар бир оилада машина бор", дейди. Чиндан ҳам шундай. Улар меҳнат қилишни ҳам, пул топишни ҳам яхши билишади. Бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Чунончи хўжалик ерлари ҳаммага баробар бўлиб берилган. Ишбилармонларга ҳам кенг йўл очиб берилган. Хўжалик маъмурияти жон-танлари билан уларни қўллаб-қувватлашади. Бир неча йиллар муқаддам Заркент қишлоғида минерал ва турли шарбатлардан тайёрлайдиган хусусий корхона ишлай бошлаганди. У тез орада шифобахш суви билан вилоятга, республикага ҳам танилди.

"Валигул" деб аталмиш иккинчи хусусий корхона "Паркент" хусусий корхонасидан кейин ташкил этилди. Заркент қишлоғининг тоғ томонида беҳад хушманзара боғ мавжуд. Бу ердан ичиб тўймайдиган лаззатли ва мусаффо булоқ отилиб чиқади. Бу булоқ сувининг таркибида тоғ ариларнинг асалидан тортиб, мўмиёгача ва бошқа ўнлаб шифобахш моддалар аралашмаси қоришган. Айтишларича, думбали ошга қорнини тўйдирган одам ўша сувдан бир пиёла ичса, дарҳол қорни очиб овқат излаб қолади.

Бу ерда қачонлардир Вали исмли авлиё яшаган дейишади. Бу муқаддас саналадиган ерга ҳеч ким ёмон ният билан киришга ботинавермайди. Вали исмли ўша авлиёнинг ёнига "гул" сўзининг қўшилишига қараганда у зот беғубор, бутун умрини одамларга бағишлаган бўлишлари керак. Янги ташкил этилган "Валигул" хусусий корхонасининг маъноси шундай. Ишлаб чиқарилаётган сув ва шарбатли сувлар ҳам номига яраша яъни одамларни шифоласин.

"Заркент" ширкат хўжалигида иш излаб бирор ёқларга борадиган одамлар деярли йўқ. Ҳамма иш билан банд. Боз устига яна бир янги хусусий корхона ҳам фаолият кўрсатиб, бағрига ўнлаб ёшларни олди.

Паркент тумани ҳокимлигининг қарори билан 2000 йил 15 декабрда "Валигул" масъулияти чекланган жамият шаклидаги хўжалик жамияти ташкил этилди. Яъни рўйхатдан ўтказилди. Давлат томонидан 130 миллион сўм кредит ажратилди. Бу маблағ 6 йилда қайтариш шарти билан олинган. Орадан икки йил ўтиб 2002 йил 1 июлда корхона ишга туширилди. Олинган маблағнинг асосий қисми корхонанинг ускуналарига сарфланди. Сувларни шишаларга қадоқлаш осон иш эмас. Корхона билан тоғдан олиб келинадиган сув булоқнинг ораси бир неча чақиримни ташкил этади. Ердан чиқадиган табиий хом сувни қадоқлаш мумкин эмас. Тозаланади. Ичимлилик даражасига олиб келинади. Бу эса узоқ жараён. Бир неча мослама идишлардан ўтказилади. Идишлар эса хомашё сифатида олиб келинади ва махсус мослама билан шиширилади ва талаб қилинган жараёнлардан ўтганидан кейин



гина қадоқланади. "Кафсул" деб аталмиш шиша хомашёси ҳам "Дохлер" фирмасидан сотиб олинади. Худди шундай "Кола", "Апелсин", "Малина", "Олма", "Нок" унлари ҳам мазкур фирма орқали олинади. Фақат таркибида ўнлаб шифобахш моддалар бўлган сувгина шу ернинг маҳсулоти ҳисобланади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳамма бирдай севиб ичади. Тўй ҳашам дастурхонларини безайди. Ёзнинг иссиқ кунларида ташналикни қондиради. Боз устига шифолайди.

Корхонанинг кейинги режалари ҳам улкан. Талаб этиладиган барча хомашёларни асосан ўзларида ишлаб чиқаришни ҳам режалаштираётир. Кейинчалик мева унларидан эмас, меванинг ўзидан, яъни шарбатидан лаззатли ичимликлар тайёрлаш мумкин бўлар.

"Валигул" хусусий корхонасига Раҳимжон Ризоев, Фурқат Маъруфов ва Гулнора Ёрмуҳаммедова раҳбарлик қилиб келаётир. Мен Раҳимжон Ризоевни кўпдан бери биламан. Ишбилармон, бир ишни бошлаганидан кейин ниҳоясига етказмай қўймайди.

Илғор ишчилардан Руфат Йўлдошев, Дилшод Ашрапов, Венера Тўлаевалар нечоғлиқ меҳр-муҳаббат билан ишлаётганликларига гувоҳ бўласиз. Корхонанинг бош ҳисобчиси Ҳусниддин Мирҳожиддинов, товаршунос Бахтиёр Юнусов, цех бошлиғи Салим Шарипов, лаборант Мамлакат Минҳожиддинова билан суҳбатлашсангиз, корхонанинг ташкил бўлишидан нечоғлик шод эканлигини кўрасиз.

Қисқа муддатда туман ҳокимининг "Ташаббус-2003" кўригида "Энг яхши тадбиркор" конкурсида 2-ўринни эгаллаб "Фахрий ёрлиқ" билан тақдирланди.

Ҳар қалай хусусий корхона ишни яхши бошлади. Унинг келажаги ҳам порлоқ. Чунки Заркентда кўп авлиёлар ўтишган. "Заркент ота" зиёратгоҳини ўтган йили чиндан ҳам гўзал масканга айлантиришди. Бу ерга бутун Ўзбекистондан одамлар келиб, авлиё отанинг қабрини зиёрат қилиб қайтишаётир. Валигул ота ҳам шундай авлиёлардан, демак, бу ном билан аталган корхонанинг келажаги ҳам шунга яраша бўлади.

Ўктам ҲАКИМАЛИ.

Бир чимдил ҳазил, бир ҳовуч зил...

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЎЗИМИЗНИНГ БОЛТА

Битта одам ўғлига дер:
"Ёрмоқ керак тўнкани.
Тез қўшнимиз уйига кир,
Болтасин опчиқ, қани!"

Бироздан сўнг ўғил қайтар,
Ҳийла пасайиб тафти.
Қўшниси ҳам экан қайсар,
Болтасини бермапти!

"Оббо, хасис, ақли қосир,
Унда инсоф бормиди?
Ишлаттани билан темир
Ейилиб қолармиди!

Одам бўлмади-да баттол,
Очкўз, зиқна, мўлтони!
Майли, ўғлим, опчиқа қол
Ўзимизнинг болтани!..."

"Mahalla" учун махсус ёзилди.
Тошкент.



1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

"БОЛАЛАР БОЗОРГА ЭМАС, КУТУБХОНАГА ШОШИЛСА..."

"Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири, шоира Умида Абдуазимованинг холисона нияти бу



Йўл четида аскарлардай саф тортган теракзор. Истаганингча шўхлик қилиш мумкин бўлган ҳовли. Мудом "бери кел" деб чақирадиган шўх анҳор. Қуёшни ортига яширган тепалик. Булоқ ичига "шўнғиган" ой. Мингтагача санагандан сўнг "ухлатиб" қўядиган юлдузлар...

Боланинг тасаввуридаги дунё мана шундай сирли манзаралардан бошланади. Табиатнинг шу гўзал бўёқлари унинг жажжи қалбида эзгуликни уйғотади, юрагига она юрт меҳрини жо этади. Хўш, кейин-чи? Кейин бу бола мактабда, кўчада, одамлар орасида юриб, жуда-жуда кўп саволларига (ариқроғи ҳайратларига) жавоб ахтаради.

Саволлари кў-ў-п болалар...

"Ҳали кичкинасан, катта бўлсанг билиб оласан" дегувчи катталар...

Айтинг, ким болага энг тўғри жавобни бера олади? Ким унинг юзлаб саволларини тоқат билан тинглайди? Ким шу жажжи вужуднинг кўнглига яқин бориб, унга дўст тутинади? Ким? Бунинг учун киши боланинг дилидагиларни теран англай билиши лозим.

Шу жиҳатдан қараганда Умида Абдуазимова болаларнинг яқин дўстларидан бири. Унинг ўзи ҳам сал болафеъл. Қаршингиздан чиқиб қолса, севиниб кетасиз. Юзу кўзи кулиб турадида. Худдики, ҳозир сизни эркалаб... бир ширин сўз айтиб юборадигандай! Ана шу ёқимтойлиги билан у катталарга ҳам, болаларга ҳам бирдек сингишиб кетаверади.

Яқинда эшитиб қолдим. Хорижда "дипломат" аёлларнинг аксарияти ўта жиддий қиёфада бўларкан. Бу жиддийлик уларнинг иш битиришлари учун қулай восита экан. Бизда эса бошқачароқ. Халқимиз хушфеъл, хушчақчақ инсонларни қадрлайди. Умида опа ним кулгиси, ширин сўзи билан кўнгилларни ситиб яшаётган ижодкор аёл...

Суврат сийратни ҳам ифодалаб туради, аслида. Хўш, қаҳрамонимизнинг сийрати қандай? У нималар хусусида ўйлайди? Болалар ҳақидами? Уларнинг ҳаёти билан боғлиқ муаммоларними?

... Болаларни биз эртанги кун эгалари деймиз. Лекин, эртанги кунга эгалик қила олгувчиларни аввало шу муҳим юмушга тайёрламоқ керак. Тўғри, бугуннинг боласи дадил, зукко. У беҳудага вақт ўтказмайди, ҳар бир соатнинг қадрига етади. Билим олсам, ҳунар ўргансам, дейди. Бироқ, бола бола-да. Гоҳо турли таъсирларга берилади. Қаровсиз қолганида ўзи ҳам дарсни ташлаб қочади. Уйда суриштирадиган киши бўлмаса кўнгли кўчани тусайди. Ҳатто катталарга тақлид қилиб пана-панада оз-оздан чекади. Баъзан ичади... Катталар назоратидан четда бўлган боланинг ҳолига вой! Уларнинг эртанги тақдири аянчли кечмаслигига ким кафолат бера олади?

Кўп ҳолларда катталарнинг ўзлари болаларни шу кўчага етаклаётганликлари ҳам сир эмас. Йўғе, дейсизми? У ҳолда бозорларда нон, писта, қурут сотаётган ёки арава тортиб пул ишлаётган болаларни ким шу ишга жалб этган? Биллиардхоналар атрофида изғиб, дўконма-дўкон кезиб юрган болакайлар-чи? Агар чўнтакларида пуллари бўлмаганида улар шундай жойларга яқинлашармиди? Ота-оначи? Боласига пул тутқазиб, сўнг "нимага сарфладинг?" деб сўрамаса... Энг ёмони шундаки, бола бозор билан аралашиб пулга меҳр қўйдими, у энди китобга қайрилиб ҳам қарамайди, газета дўконларидан узоқроқда юради, тартибга чақирмоқчи бўлсангиз энсаси қотади.

Айтайлик эрта тонгда болаларимиз бозорларга эмас, кутубхоналарга шошилишса! Ёнига "почта" деб ёзилган машиналарда "Тонг юлдузи" келишини зориқиб кутишса! Йўлда, автобусда, бекатларда ҳар боланинг қўлида китоб бўлса! Бу хаёл эмас, ҳақиқат бўлиши лозим. Бироқ, шу ҳақиқатларни биз катталар юзага чиқармоғимиз, бунда болаларга кўмаклашмоғимиз керак. Ахир боланинг жуссаси кичик бўлсада, қалби кенг. Биз буни қачон тушунамиз? Токи, тушунмас эканмиз, камчиликларимиз ҳам кўпаяверади. Масалан, нега ўқувчиларнинг ёзги таътил чоғларида маҳаллаларда биз қисқа ҳунар курслари очиб қўймадик? Нима учун кутубхоналаримизда лотин ёзувидаги бадиий асарлар кам? Бунинг устига ўқув залига эга бўлган кутубхоналар ҳам унчалик кўп эмас. Нега? Биз катталар ҳар куни кечқурунлари ўз фарзандларимизга қанча вақт ажратамиз? Бир соатми? Ярим соатми? Ёки умуман ҳеч қачон...

Умида Абдуазимова ҳам шундай муаммолар хусусида кўп ўйлайди. Ўйлаганлари бирин-кетин унинг иш режаларига кўчади. "Тонг юлдузи"да эса иш қайнайди. Мактублар, қўнғироқлар, ташрифлар... Болажонларнинг эмин-эркин кириб келадиган, дилидагини шартта-шуртта айтадиган севимли маскани бу таҳририят... Ахир бола орзу-ўйларини ҳаммагаям билдиравермайди. Кўнглини фақат яқин сирдошига очади. "Тонг юлдузи" болаларнинг яқин сирдошига айланиб қолган нашр! Газета бош муҳарририни эса улар "Бизнинг Умида опамиз" дея ардоқлашади. Гарчи бу ижодкор аёл ўтган йиллар ичида "Севилганда", "Севинчим", "Ишқли умрим", "Сени кўргим келаверади", "Аразламанг", "Ўн саккиздан ўттим йўқ", "Салом ҳаёт, қадимий қўшиқ" сингари бир қанча шеърий китобларини нашр этиб улгурган бўлсада, унинг "Ойнома боғ" шеърий тўплами барча болалар учун севимлидир.

"Умида опа, биз учун кў-ў-п китоблар ёзинг... Бу - болалар кўнглидаги гап. Ўзларининг "Умида опа"ларига талаби, бирозгина эркалиги...

Мен эса...

Мен нима дейишим керак? "Эллик ёш киши учун биринчи давон. Ҳали олдинда яшаб ўтиладиган йиллар кўп. Босиб ўтиладиган йўллар кўп. Вақти келиб шу йўлларга Сизнинг ёруғ изларингиз қолади" дейман.

Ва бунга мен жуда-жуда ишонаман.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Болалар маҳаллада касб ўрганади

Мактабларда сўнгги қўнғироқ чалиниб, ўқувчилар ёзги таътилга чиқди. Ўқувчи ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш нафақат ота-оналар, балки маҳалла аҳлининг ҳам асосий вазифаларидандир.

Бу эса маҳаллалар, мактабдан ташқари таълим муассасалари ва бошқа тегишли ташкилотлар зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Айниқса, мактабдан ташқари муассасалар фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Республика ўқувчилар техник ижодиёт марказида Обод маҳалла йилига бағишлаб ўтказилган семинар кенгашда шу ҳақда сўз юритилди.

Айни вақтда маҳаллаларда турли спорт майдончалари, ҳунарманд усталар ёрдамида тўгараклар ташкил этилаётир. Жумладан, марказнинг саъй-ҳаракати туфайли бешиксозлик, дўппидўзлик, косиблик, темирчилик, ганч ўймакорлиги, кулоллик билан шуғулланувчи усталар билан ҳамкорликда тўгараклар ташкил этилмоқда.

Эндиликда кўпгина олис қишлоқларда истиқомат қилувчи ёшлар касб ўрганиш учун туман ва шаҳар марказига қатнаб юрмайди. Чунки аксарият тўгараклар маҳаллаларда, мактабларда ташкил этилмоқда. Марказнинг «Сиртқи клуб»и чекка жойларда истиқомат қилаётган болаларга техник ижодкорлик сирларини ҳам ўргатмоқда.

Беҳбуд БОТИРОВ
ЎзА мухбири

Ўша ҳаяжонли кунни ҳали-ҳануз унутолмайди. Ёдига тушса бас, ўша болакай олдида ўзини айбдордек ҳис қилади. Ўшанда Миллий театр биносида актёрлар билан болалар учрашуви ўтказилганди.

Театр ва болалар

"ЁШЛИК РОСТЛИКНИ ҚАДРЛАЙДИ..."

- дейди Республика Ёш томошабинлар театри актрисаси Шамсиқамар МАНСУРОВА

Таниқли артистлар орасида Йўлдош Охунбобоев номли Ёш томошабинлар театри актрисаси Шамсиқамар Мансурова ҳам бор эди. Унга сўз беришди. Энди гапини тугатиши биланоқ залда ўтирган болалардан бири шартта ўрнидан туриб "Бизга қачон янги театр биноси қуриб берасизлар?" деди. Учрашувга келган болаларнинг ҳаммаси актрисага савол назари билан тикилиб қолишди. Шамсиқамар опа бир зум ўйланиб турди-да, сўнг "Ҳадемай сиз болажонлар севимли эртакларингизни янги театр биносида ўтириб кўрасизлар" деди. Болалар чапак чалиб юборишди. Мана, шу воқеага ҳам уч йилдан ошди...

Чиндан ҳам театр биноси жуда эски. Гоҳо томошага келган онахонлар ҳам "Биз болалик кезларимизда шу ерга келиб томоша кўрардик, мана бугун невараларимизни бу театрга олиб келяпмиз" дея эслашади. Шамсиқамар Мансурованинг назарида болалар кўпдан буён ўзлари учун янги театр биносини орзу қилиб яшаяпти. Унинг салкам ўттиз йиллик ҳаёти шу театр саҳнасида кечди. Шу вақт мобайнида Шамсиқамар опа юзлаб ролларни ижро этиб, болалар қалбига қувонч олиб кирди.

- Биласизми, ёш томошабин кўз ўнгидаги воқеалар шунчаки саҳна асари эканини унутиши керак, - дейди у. Ахир болалар ростликни қадрлашади. Уларни алдаб бўлмайди.

"Асорат" спектакли. Хадичабону (Ш.Мансурова).

- Болалар учун рол ижро этиш ҳам завқли, ҳам қийин, - дейди Шамсиқамар опа. - Завқли томони шундаки, бола театрга келса ўзи учун кўп нарса олади. Масалан, ўзбек халқ эртакларини саҳнага олиб чиқсак, болалар сеҳрланиб қолишади, гўё. Улар баъзи бир эртак қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатини кўриб ёвузликдан нафратланишса, айримларига эса меҳрлари товланади. Беозор жониворлар, гул ва гиёҳлар образларини саҳнада гавдалантирсак, уни кўрган ҳар боланинг қалбида она табиатга кучли меҳр уйғонади.

Шамсиқамар Мансурова ўзини бахтли актриса деб билади.

Истиқлол йиллари эса актриса ижодида катта бурилиш ясади. 1993 йилда "Йилнинг энг яхши актрисаси" деган эъзозли номга сазовор бўлди. 1999 йилда "Саҳна санъати маликалари" республика танловида юқори ўринни забт этди. "Энг яхши аёл образи учун", "Хумо қуши" кўрик-танловларида ҳам қатнашиб, совринларга эга бўлди. "Саҳна ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб қолган, - дейди актриса. Баъзида саҳнадаги ҳаётим шахсий ҳаётимгаям таъсир этади..."

Шунда у қизиқ бир воқеани кулиб-кулиб гапириб берди. Шамсиқамар Мансурова бундан ўттиз йилча аввал ёзувчи Ўткир Ҳошимов асари асосида қўйилган "Баҳор қайтмайди" видеофильмида Кларани ўйнади. "Ўшандан сўнг кўча-кўйда мени кўрганлар "Ана бировнинг оиласини бузган аёл" деб қўли билан кўрсатадиган бўлишди, - дея эслайди актриса. - Яқинда эса "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи" кўрсатувида эри хиёнат қилган бир аёлнинг образини яратдим. Актриса саҳнада турли ролларни ижро этиш учун аввало маҳорат ва изланиш зарурлигини ҳис этади. Масалан, баъзи бир саҳна томошаларида ижобий, баъзи бирларида эса салбий ролларни ўйнашга тўғри келади.

- Ҳаётда сиз учун муҳим саналган яна нималар бор?

- Оила, театр, маҳалла... Мана шу учаласи югурик ҳаётимнинг мағзи, мазмунини белгилайди. Менимча, ҳар бир аёлнинг ўз оиласи, ишхонаси ва маҳалласида алоҳида ўрни бўлиши лозим. Мен учун бу жуда муҳим. Негаки, инсоннинг тақдири, олдинги босажак ҳар қадами фақат ўзига эмас, атрофидагиларнинг муносабатига ҳам боғлиқ кечади. Шу жиҳатдан ўзимдан кўнглим тўлади. Оилам - қувончим. Биз яшаётган Собир Раҳимов туманидаги Тахтапул маҳалласида эса фидойи ва мард инсонлар яшашади. Наврўзу ҳайитларда биз янада жипслашамиз, ўзаро фикрлашиб, муаммолар хусусида маслаҳатлашамиз, - дейди актриса ҳаяжон билан.

Гули АБДУКАРИМОВА.

Янгийўл тумани Ойбек номли маҳалласида яшовчи Мирзарахим Мирзамаҳмудов набираларини қушлар билан дўстлашишга ўргатмоқда.

Ибрат

"БИЗДАН ҲАМ БОҒ ҚОЛСИН..."

дейишади ингичкаликлар

Қадимда ота-боболаримиз, момоларимиз оилада тут пилласи пайтда тўқиб тут ейишни расм қилишган. Қишда тутмайдиган, тутқулча, тутшинни истеъмол қилишнинг ниҳоятда фойдали эканини яхши билишган. Тут ниҳоятда кўркам, серсоя дарахт бўлиб, қурғоқчиликка чидамли, 200-300 йил яшаши мумкин.

Бизнинг Ингичка номли қўрғончамиз Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри тасарруфида. Бу қўрғонча асли кончилар юрти бўлиб, унда уч мингга яқин аҳоли яшайди. Яқинда маҳалламиз раиси Карим Тошпўлатов оқсоқоллар билан кенгашиб, бир хайрли ишга қўл урилди. Қўрғонча марказида 1 гектарга яқин ташландиқ ерни тутзорга айлантирдик. Ерни трактор ёрдамида ҳайдатиб, обдон тайёрладилар ва маҳалланинг катта-ю, кичиги ҳашарга чиқишиб мана шу ерга 400 дона тут кўчати экилди. Кўчатларнинг тагига сув йўналтириш учун ариқчалар тортилди. Мана бугун ниҳоллар ҳаммаси ўзини тутиб, барг чиқариб яшнаб турибди. Дарахтчалар оқланиб, кўзга чиройли бўлиб ташланиб қолди. Элда яхшидан боғ қолади" деган бир ажойиб нақл бор. Ислом шоир номли маҳалланинг бу боғидан келажакда неча бир авлод баҳраманд бўлади деган умиддамиз.

Парда РУСТАМОВ,
Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри Ингичка қўрғони.

Ибрат

ПАРВОНАга ПАРВОНА РАИС

Пойтахтлик Жамолиддин Қодиров ёшлигиданоқ ташкилий ишларда тенгдошларидан ажралиб турадиган ёшлар сирасига кирарди. Шу боис олий билимгоҳда ҳам уни талабалар касаба уюшмасига раҳбар этиб сайлашади. Кейинчалик мактабларда, олий ўқув юртларида дарс берди, ишлаб, малакасини оширди. "Олий таълим аълочиси" нишони билан тақдирланди. Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини ёқлади. У қаерда ишламасин шу вазифасига жамоатчилик фаолиятини қўшиб олиб борди. Унинг ушбу хусусиятлари албатта, маҳалла аҳли эътиборидан ҳам четда қолмади. Кейинги ҳисобот-сайловларида Парвона маҳалла раислигига уч кишининг номзоди қўйилди. Энг кўп овоз олган эса, Жамолиддин Қодиров бўлиб чиқди. Тўғриси, маҳалла-кўй унга шунчалик ҳурмат кўрсатиб, ишонч билдиришига унчалик кўнгли чопмаганди. Сабаби - эрталабдан кечгача ишда бўлар, гарчанд айтилган тўй, маъракалардан четда қолмаса-да, бироқ кўп қатори чойхонага чиқиб, бир пиёла чой баҳона гурунглашиб, ҳордиқ чиқаришга вақти етишмасди. "Нима бўлгандаям, бошга тушганни кўз кўради, энди чинакамига ишга киришиб, маҳалладошлар ишончини оқлаш керак", деди у ўзига ўзи ва биринчи қадамни йиғинга муносиб кадрлар танлашдан бошлади. Асосий мақсади - маънавият-маърифат йўналишида бирон-бир ўзгариш ясашга эришишдан иборат эди. Шу боис педагог-тарбиячи вазифасига олий маълумотли Искандар Қаюмов номзодини танлади. Ёшлар билан ишлаш комиссияси раислигига Ботир Файзуллаевдан ўтадигани йўқ эди. Эргаш Еримбетовни посбонлар сардорлигига тайинлашди ва ҳоказо. Қўллашиб қўтарган юк енгил бўлар экан. Кўпчилик билан кенгашиб, режага киритилган тадбирлар бирин-кетин амалга оша бошлаганидан йиғин раисининг ҳам кўнгли кўтарилди. Педагог тарбиячи эса, бор билим, тажрибасини ишга солди. Натижада бўш вақтларини қандай ўтказишни билмай юрган маҳалла ўғил-қизлари ҳудуддаги собиқ 3-таксопарк саройининг спорт майдонлари ёки 218-мактаб залларидаги машғулотларга жалб этилгач, қисқа вақтда улар нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Яъни, маҳалла ўсмирлар футбол жамоаси Миробод туманида биринчи ўринни олди. Айни пайтда Парвона жамоасида спортнинг волейбол, футбол, шахмат-шашка каби турлари бўйича 40 нафардан зиёд болалар машғулотларда қатнашмоқда. Айниқса, маҳалла - мактаб ҳамкорлиги кутилган самарани бераётир. Ўқув юртларининг спорт мутахассислари маҳалла ёшларига бажонидил ўз ёрдамларини беряптилар.



Кўпгина ишларда йиғин раиси Ж.Қодировнинг ташкилотчилиги асқотмоқда. Масалан, ҳомий ташкилот ҳисобланган автокорхона маъмурияти маҳалла фуқаролари ва ўғил-қизлари учун болалар оромгоҳлари, санаторийларга баҳоли қудрат бепул йўлланмалар бераяпти, спорт кийимлари, жиҳозлари билан таъминлаб келяпти. Шунингдек, ҳудуддаги 7 та ишлаб чиқариш корхонаси ҳам турли тадбирларда ўзининг муносиб улушини қўшади. Айниқса, бирорта байрам "Маҳаматжон", "Моҳизорхон" хусусий корхоналарининг бегараз ёрдамисиз ўтмайди.

- Ҳозир ҳисоб рақамимизда 400 минг сўм пул маблағи бор. Уни омборхона, сартарошхона қурилишига, Сарбон кўчасини асфалт қилишга ишлатмоқчимиз. Меҳнат биржаси билан ҳамкорликда ўрта мактабни тугатаётган ўқувчиларни улар хоҳишига кўра касб-корга жалб қилишга ҳаракат қиляпмиз. Ботир Файзуллаев, Аброр Исмоилов, Эркин Сурмонов, Абдулла ака Мирзоҳидов сингари фаоллар энг муҳим тадбирларга бош-қош бўлаётгани маҳалламизнинг эртаси ёруғ бўлишидан, юкимиз ерда қолмаслигидан далолат беради, - дейди Жамолиддин ака.

Абдунаби АБДУЖАББОР ўғли.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ - ШАРАФЛИ БУРЧ

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Эндиликда Қуролли Кучларимизда ҳар йили янги ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Янги замон, янги талаблар, мавжуд муаммоларни ҳал этишга янгича ёндашувлар, янги муваффақиятлар кўзга ташланмоқда. Хизмат 18 ойдан 12 ойга қисқартирилди. Мустақилликка биз ҳатто бу ҳақда орзу ҳам қила олмас эдик.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўхталар экан, аҳолига ҳарбий хизматга қонунчилик асосида киритилган янгиликларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрнини таъкидлаб ўтди.

Менинг ўғлим лицейда ўқийди, деярли армияга чақириқ ёшида. Ушбу янгилик бошқа ота-оналар сингари мени ҳам жуда қизиқтирди. Ўйлашимча, энди бошқа давлатлардаги кўпчилик чақириқ ёшидаги йигитларнинг ўзбекистонлик тенгқурларига ҳаваси келиши мумкин. Негаки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунда муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ва уни кечиктириш ҳамда озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига кейинги муддатга чақирилмайдиган шахслар сафарбарлик чақириуви резервига /СЧР/ киритилиши айтилган.

Мудофаа вазирлигининг махсус ҳисоб-рақамига энг кам иш ҳақининг 25 баробари миқдорида пул тўлаганингиздан кейин, фарзандингиз сафарбарлик чақириуви резервида хизмат қилиши мумкин. Сафарбарлик чақириуви резерви ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар кўринишида ташкил этилади. Энг асосийси, эслатиб ўтилган бадалларни бир йил давомида олдиндан ёки бўлиб тўлаш мумкин.

Сиз тўлаган ушбу маблағлар давлат ғазнасига эмас, балки ўқув лагерида ҳарбий йиғин пайтида ўғлингизни боқиш, транспорт сарф-харажатлари, керакли анжомлар ва бошқа нарсалар сотиб олишга ишлатилади.

Сафарбарлик чақириуви резерви хизматига кириш тартиби эса олдий. Бу борада ҳарбий хизматга чақирилувчи, унинг молиявий аҳволини кафолатловчи томон ва Мудофаа вазирлигининг мудофаа ишлари бўйича туман /шаҳар/ бўлими ўртасида шартнома тузилади. Шартномага кўра, ҳарбий хизматга чақирилувчи шахс ва давлат тенг ҳуқуқли шерикка айланади. Ҳар бир томонга аниқ мажбуриятлар юкланган. Улар ўртасидаги ҳар қандай баҳсли ҳолат судда ҳал этилади. Ҳарбий хизматга чақирилувчини нафақат унинг ота-онаси ёки бошқа яқин қариндошлари, балки юридик шахслар - турли корхоналар ва хусусий фирмалар кафиликка олиши мумкин.

Бир йил тугаб, бадал тўлиқ тўланганидан сўнг сафарбарлик чақириуви резервида хизмат қилган шахсга ҳарбий гувоҳнома берилади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тенгдоши каби барча ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Сафарбарлик чақириуви резервида хизмат қилган шахс тегишли ҳарбий-ўқув мутахассислигига эга бўлса, Қуролли Кучлар сафига шартнома бўйича хизматга кириши, олий ҳарбий ўқув юртларида ўқиши, солиқ, божхона, бошқа органларда ишлаши, ҳарбийлашган тузилмалар, ҳар қандай муассасалар, ташкилотларда хизмат қилиши, хизмат вазифаси билан чет элга бориши мумкин.

Ушбу қонунга мувофиқ шартнома тузилганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилган шахс ишлаши, тадбиркорлик билан шуғулланиши, ота-онасини боқиши, маълумотини ошириши мумкин.

Бу борада шуни эслатиб ўтиш жоизки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги янги Қонун қабул қилингунига қадар ўз вақтида ҳарбий хизматга чақирилмаган 27 ёшгача бўлган шахс доимий расмиятчилик жараёнларидан ўтиши керак эди. Сафарбарлик чақириуви резервида эса бундай оворагарчиликлар бўлмайди. Белгиланган бадал тўланганидан кейин ҳарбий хизматга чақирилувчи мудофаа ишлари бўлимига бир ойлик йиғинга ёки фавқулодда ҳолатларда чақирилади, холос.

Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган шахс 27 ёшигача сафарбарлик чақириуви резерви сафида бўлади. Бунда у муддатли ҳарбий хизматдан озод этилади. 27 ёшга етган ва сафарбарлик чақириуви резервида хизматни ўтаган йигитлар Қуролли Кучлар резервига киритилади.

Совет армиясидаги хизматни бир эслаб кўринг. Ўша пайтларда ҳарбий хизматга қанча йигит керак бўлса, шунча етказиб берилади. Бироқ бунинг оқибати ўзингизга яхши аён. Ўшанда Сибир ҳарбий округида мен суҳбатлашган аскар йигитлар орасида қулоғи оғир, кўзи хира ногиронлар ҳам бор эди. Улар ҳарбий хизматга «маҳаллий партия амалдорлари болаларининг» ўрнига чақирилган эди. Энди эса йигитлар муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинади, бунинг учун улардан ҳам ақлан, ҳам жисмонан етуклари танлаб олинади.

Кўпчилик ота-оналар ва ёшларни «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги янги қабул қилинган Қонундаги айрим жиҳатлар ҳам қизиқириши мумкин. Ушбу қонун матбуотда эълон қилинади. Фуқароларда резерв тоифалари, улар нимага мўлжалланаётгани, ҳарбий тайёргарлик қандай ўтиши, Қуролли Кучларнинг ҳарбий қўшинлари, қисмлари ва бўлинмалари сафи қандай тўлдирилиши ҳақида маълумот олиш имкони пайдо бўлади.

Мустақиллик шарофати билан юртимизда кўп нарсалар ўзгаяпти, шу жумладан Ватанга хизмат қилиш ҳам йигитларимиз учун шарафли бурчга айланиб бораётир. Ўғлонларимиз ўз Она - тупроғимизда хизмат қилмоқда. Энди улар ўз йигитлик бурчини адо этиш учун узоқ ва совуқ Сибир ўлкасига бормайди. Ота-оналарнинг ҳам кўнгли тинч. Улар фарзандлари ҳарбий хизматга чақирилганда мудофаа ишлари органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилади. Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари фаол иштирок этмоқда.

Энди ҳар бир ўсмир йигитлик бурчини ўташни сабрсизлик билан кутади ва буни ўзига шараф деб билади. Зеро, Қуролли Кучларда бўлаётган бугунги ўзгаришлар мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлиги, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни таъминлашга қаратилган.

Азизахон ТЎЙЧИБОЕВА,
ЎзА мухбири

ҲИРОТ: НАВОИЙ ОБОД ЭТГАН МАҲАЛЛА

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Алишер Навоийнинг "Вақфийя" асарини ўқир эканмиз, ғазал мулки султонининг бунёдкорлик фаолияти, яшаган маҳалласида амалга оширган ажойиб ишлари ҳақида қизиқарли маълумотларга эга бўламиз. Унда Навоийнинг маблағлари ҳақида, Навоий томонидан амалга оширилган хайрли ишлари - мадраса, мактаб қурдиргани, боғлар барпо этгани, яшаган маҳалласининг ободонлаштириш, саранжом-саришта, озода бўлиши учун қилган ишлари ҳақида, вақф мулклари, улардан фойдаланиш йўллари, тартиб-қоидалари тўғрисида, ўқув жойлари ва тоат-ибодат ерларидаги машғулотларнинг моддий томонлари хусусида сўз боради.

Алишер Навоий айтадики, менга барчанинг иши тушар эди, ўз дарди, алами ва илтимоси билан ҳар тоифадаги одамлар мурожаат қилар эди, ҳамманинг ўз муддаосига кўра муомалада бўлишга ва керакли ёрдамни беришга бор кучим билан ҳаракат қилардим, уринардим.

Тарихдан биламизки, адолат учун курашувда асосий оғирлик Навоийнинг бўйнига тушган. Навоий юксак оқилона ва одилона фаолият кўрсаттан, улкан обрўга эга бўлган. Айниқса, йўқсил бечораларнинг аянчли аҳволини чуқур хайрихоҳлик билан ҳал этган. Шуниси, ибратлики, Навоий одамларга хизмат қилишда ҳеч қандай шахсий манфаат кўзламаган, хизматлари эвазига улардан ҳеч нарса олмаган, берганларида ҳам рад этиб, қайтарган.

Навоий таъбирича, ҳимматлиларнинг ихтисоси сахийликдир. Бу икки шарафли сифат - саховатлик ва ҳимматлилик покиза кишиларга хосдир. Сахийлик инсонинг баданидир, ҳиммат - унинг жони. Ҳиммасиз киши эр сонида эмас, чунки жонсиз баданни киши тирик демас...

Навоийнинг беминнат бунёдкорлигини, жамоатчилик фаолиятини ўйлар эканман, академик Воҳид Зоҳидовнинг фозилона таъкидларини эслайман:

- Бирон-бир одам ҳақида, унинг фаолияти борасида тадқиқот ўтказишга, баҳо беришга тўғри келиб қолса, билингки, биринчи манба унинг амалий қилган бунёдкорлик ишлари, ғоялари, фикрлари, ёзган асарларидир.

Устоз Воҳид Зоҳидов ўшанда Навоийнинг "Вақфийя" асари, унинг ажойиб инсон бўлгани, ўзи яшаган Марғани маҳалласидаги қўни-қўшниларига, маҳаллага қилган хизматлари ҳақида гапириб, саховат ва ҳиммат тўғрисидаги юқоридаги ўгитларини сўзлаб берган эди.

Бу улуғвор фазилат ҳақида Навоийнинг ўзи шундай деб ёзади:

Элдан манга гарчи ғайри заҳмат йўқ эди,
Айб эрмас агар музд ила миннат йўқ эди,
Эл бердилар, аммо манга рағбат йўқ эди,
Шаҳ давлатидин буларға ҳожат йўқ эди.

Жамоат арбоби худди Навоийдек фидойи, астойдил, садоқатли, беминнат соҳиби карам бўлиши зарурдир.

Навоий ўзининг "Маҳбубул-қулуб" асарида ёзишича, киши қўлидаги бойликнинг ҳаммаси эмас, унинг ўз эҳтиёжига, кун кечиришига керакли қисмигина уникидир, қолганининг барчаси эса ўзгаларникидир.

Навоийнинг ушбу эътиқодда қатъий турганлигини, даромадидан эл-улусни баҳраманд этганини кўрамиз.

Навоийнинг замондоши ва солномачиси бўлган Хондамир ўзининг "Макоримул-ахлоқ" асарида Алишер Навоийнинг мазкур соҳадаги ишлари ҳақида кўп мисоллар келтириб, шундай дейди: - Навоий халқ тўлаши мумкин бўлмаган солиқларни ўзи тўлаб юборар эди; илм ва санъат арбобларига катта-катта ҳадялар қилар, ҳатто ажойиб боғлар яратар эди; мадраса ва хонақолар қурдириб, уларда дарс берувчиларга керакли шароитларни туғдирар эди, талабалар ҳам илм билан яхши машғул бўлсинлар деб уларга нафақалар тўлар эди; бирон одам сафарга чиқадиган бўлиб қолса, кўп олтин бериб, йўлда учраган камбағал одамларга улашиб кетишни топширар эди. Буларни барчасини элу юрт фойдаси учун қиларди.

1465 йилда Ҳусайн Байқаро Ҳирот тахтини эгаллагач, 1969 йилда Самарқандда таҳсил олаётган, бадиий ижод билан шуғулланаётган дўсти Навоийни махсус фармон билан ўз ҳамкорлигига чақиради. Навоий Ҳиротга қайтади. Ҳусайн Байқаро унга олий мансаблардан бири - мухрдорликни топширади. 1472 йилда Хуросон давлатининг вазири этиб тайинлайди.

Тўғри, Навоий асли Ҳиротда туғилган, болалик, сўнг йигитлик йиллари шу ерда ўтган.

Ҳусайн Байқаро 1477-1478 йилларда Алишер Навоийга Ҳиротнинг Шимол томонидан қурилиш учун каттагина ер ажратириб берган. Ер гарчи хушҳаво, яхши жойдан бўлса ҳам, ташландиқ, хароб аҳволда бўлган. Навоий у жойни ўзига қарашли мулк даромадидан сарф-харажат қилиб обод маҳалла барпо этган. Аввало жамоат аҳамиятига эга бўлган иморатларни қурдириб, ишга солган, кейин ўзига ҳовли-жой бино қилган. Мадраса, масжид, хонақоҳ, гумбазлар, ҳовуз, ҳаммомлар, меҳмонхона ва карвонсаройлар бунёд этиб, ариқлар қазитиб маҳалла аҳлининг оғирини енгил қилиб, ҳурматига сазовор бўлган. Шу боисдан Навоий яшаган Марғани маҳалласининг доврия ошиб, хонадонлар кўпайгандан кўпайди. Навоий "Ихлосия" мадрасасининг қаршисида яна бир хонақоҳ қурдирган.

Маҳаллада халқ кўп ва зич яшай бошлаган. Навоий маҳалладошларига қулайликлар яратишни ўйларди. Илгари халқ жума намозини ўқимоқ учун жомеъ масжидига борар эди. Ораси анча олис, қишда йўл лой, совуқ, ёзда эса чанг, иссиқ бўлиб анча ноқулайликларни туғдирарди. Навоий, ҳатто мадраса билан хонақоҳ ўртасига тош тердириб "Ихлосия" мадрасаси ёнига йўлка қилиб қўяди. Алишер Навоий ўз мулкидан тушадиган даромаддан мадраса, хонақоҳ ва бошқа барпо этилган биноларни яна тўла-тўкис жиҳозлаб, уларни сақлаш, улардан фойдаланиш учун зарур нарсаларни сотиб олиш, хизмат қилувчи ходимларнинг иш ҳақи ва эҳтиёжларини қоплаш учун, барча хайру саховатга оид ишларни бажармоқ учун сарфланадиган барча маблағларни ҳам тўла ажратиб берарди. Ҳазрат ташкилий ишларга бош-қош бўлиб, кези келганда этакни белбоғга боғлаб ишга киришиб кетарди.

- Навоийни севмоқ - ўзбекни севмоқдир, - дейди Президентимиз Ислом Каримов шу мавзуга эътиборни қаратиб. - Навоий бобомизнинг Ҳиротдаги хоки ва мўътабар зиёратгоҳини обод қилиш, буюк аждодимиз руҳини ёд этиш ҳар биримизнинг кўнглимиздан жой олган эзгу орзу-истакдир.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Олам турфа

МАТБААЧИЛИК ТАРИХИДАН

Замонавий ротация босма машинаси 1863 йили юзага келди. Ихтирочи В.Баллок янги қурилма яратгандан сўнг босма қолип цилиндрига ўрнатилган қоғоз тасмаси икки томонига бир вақтда ёзув туширишни имкони туғилди.

1866 йили эса инглиз муҳандиси Вальтер ротация машинасига қирқувчи ва буклайдиган мослама ўрнатди.

XIX аср охирида ротация босма машиналаридан фойдаланиш одатий ҳолга айланди. У матбуот маҳсулотини оммавий равишда ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди.

Тигелли босма машиналари эса тез ва кўп нусхада маҳсулот ишлаб чиқариш талаб этилмаган ҳолларда қўлланилган.

Биринчи рус тигелли босма машиналари Петербургда XX асрнинг 80-йилларида юзага келди. 1868 йил охири ва 1869 йил бошида ихтирочи П.Княгинский дунёда биринчи автомат равишда ҳарф терувчи машина яратди. Муҳандис М.Алисов эса 1870 йилда биринчи бор ҳарф терувчи босма машиналар нусхасини ясади.

ФОНОГРАФНИ КИМ ИХТИРО ҚИЛГАН?

Америкалик ихтирочи Томас Алва Эдисон телефонни такомиллаштириш устида ишлаётиб, пўлат игна кавшарланган диафрагма ёнида беихтиёр ҳиргойи қиларди.

Шунда пластинка дириллаб кетиб, бармоғига игна санчиладди. Бу тасодиф ихтирочилик ҳаёлида пластинка яратиш фикрини туғдиради.

Бу оламшумул кашфиёт 1877 йилнинг 12 августида юз бериб, ўша кун фонограф ихтиро қилинган кун сифатида тарихга кирди.

Грампластинка дастлаб АҚШнинг Камдена шаҳрида қурилган махсус заводда ишлаб чиқаришга киришилди. Россияда эса бу янгилик 1910 йилга келиб амалга оша бошлади.

Эътиборга сазовор жойи шундаки, кўплаб ўзбек хонандаларининг овози инқилобдан илгари пластинкага ёзилган эди. Айниқса, Тўйчи ҳофиз, Ҳамроқул қори, Нетайхон сингари санъат усталарининг ижроси ёзиб олинган грампластинкалар кенг оммалашиб, ҳанузгача сақлаб қолингани миллий қўшиқчилигимиз тарихини безайдиган жонли далил сифатида қадрлидир.

А.АЛИЕВ
тайёрлади.

● Ҳамкорлик

ЯПОН-ЎЗБЕК ИШБИЛАРМОНЛАРИ АНЖУМАН ЎТКАЗДИЛАР

Марказий Япония-Канто ҳудудининг энг шимолий қисмида жойлашган Маебаши шаҳрида Гунма префектураси ишбилармонлари учун «Гунма Каё Кой» дастури доирасида «Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг сармоявий имкониятлари» мавзусида ўқув-анжуман ташкил этилди.

Префектуралаги корхона ва фирмалар раҳбарлари ҳар ойнинг иккинчи сешанбасида мамлакатимиз ҳақида ўзларини қизиқтираётган турли мавзуларда танишув машғулотларини ўтказиб келишмоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий алоқалари, хорижий сармоядорлар билан биргаликда амалга ошираётган лойиҳалари ва эришаётган ютуқлари тадбирнинг асосий мавзусини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикасининг Японiядаги элчихонаси кўмагидаги ташкил этилган ушбу семинар чоғида мамлакатимизнинг жуғрофий жойлашуви, унинг мингтақада тутган сиёсий ўрни ва иқлими шароити ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди.

Машғулот ташкилотчиси «Марказий Евросиё Клуби» мамлакатимиз иқтисодиёти ва маданияти билан боғлиқ бўлган тадбирларни мунтазам уюштириб келмоқда.

-Ўзбекистон Президентининг 2002 йилда Японияга иккинчи бор амалга оширган ташрифидан сўнг, япон ишбилармонларининг кўпчилигида Ўзбекистонга бориш иштиёқи туғилган эди. Ўтган вақт мобайнида уларнинг аксарияти республикамизда бўлиб қайтишди. Бундай мулоқотлар мамлакатингизга қизиқишни яна-да оширади,-дейди «Марказий Евросиё Клуби» нинг президенти Й.Гото.

Қизғин мулоқот тарзида ўтказилган учрашувлар япон ишбилармонларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Б.АЛИМОВ,
«Жаҳон» АА
Япония.

● Биз билган билмаган аждодлар

БОСИТХОН ШОШИЙ

Онам Вилоятхон Юсуфхон қизи оғир касал бўлиб икки оёқлари ишламай қолди. Шу тарзда олти ойгача онам юролмай ётиб қолдилар.

Ўшанда биз билан Себзар даҳасининг Қози кўча маҳалласида Тошкентда донғи кетган Зоҳидхон табибнинг ўғли Боситхон табиб яшарди. Боситхон ибн Зоҳидхон Шошиий (1878-1959) етук табиб бўлиши билан бир қаторда шоир ҳам таржимон эди. Мен отахон табибнинг ҳузурларига бориб онамнинг касалини даволашларини илтимос қилдим. У онамни билагидан қон томирининг урушини кўриб бод касали билан оғриганини айтдилар. Орқа умуртқа поғонасида аччиқ сариқ сув борлиги ва шунинг натижасида онамнинг оёғи ишламай қолганлигини аниқладилар. Касални оддий исириқ ўти билан даволаш усулини айтдилар. Онангиз етти-саккиз кун ичида оёққа туриб кетади, дедилар. Боситхон табиб нафақат онамларнинг, балки кўпчилик дардмандларнинг дардига малҳам топганлар. Боситхон Шошиий илм аҳлларининг илтимосига кўра ўзбек тилида табобатга оид "Қонун" ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" китоби ҳамда ўтмишда яшаган кўплаб табибларнинг асарларига суянган ҳолда икки жилддан иборат "Қонун ал-Мабсут" китобини ёзади. Муаллиф ўтмиш ҳакимларнинг фикрларини шарҳлабгина қолмай, балки асримиздаги фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда уларни мукаммал тушунтириб беради, ўзининг чуқур фикр ва мулоҳазалари орқали улар йўл қўйган айрим хатоларни ҳам очиб беради.

Боситхон табиб ёшлигидан отаси Зоҳидхон ҳакимнинг даволаш ишларини кузатиб боради. У ўзининг китобида "Отам мени етти ёшлигимдан бошлаб тибга оид китобларни ўқитиб таълим берганлар" деб ёзади. Боситхон вояга етгач отасининг ишини давом эттиради. Касалларни даволаш билан бирга илмий ишлар билан ҳам шуғулланади. 1944 йилда табобатга оид "Фарҳанг ал-Мабсут" ("Мабсутнинг луғати") китобини ёзиб тугатади. Унинг яна бир тибга оид асари "Фаврид ул-адвия ва мавоид ул ағзия" ("Фойдали дорилар ва ҳар хил таомлар") китоби ҳам бор. Мазкур асарларнинг нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда.

Марҳум олим А.Носиров табиб ва унинг асарлари ҳақида ўз маълумотларини илова қилган. Унда ёзилишича, Боситхон ибн Зоҳидхон шоир ҳам бўлиб, шеъриятда "Ҳариқий" тахаллусини қўллаган. Шеърларини тўплаб "Мажмуайи ашъори Ҳариқий" номли девон тузган. Бироқ бу мажмуа ҳали топилган эмас.

Боситхон табиб таржимон сифатида бир қанча асарларни араб тилидан ўзбек тилига ўгириб, чоп қилдирган. Шулардан "Ҳадиси Усфурий" ва "Ҳақойиқ ул-асрар" китоблари мустақиллик йиллари чоп этилди.

"Қонуни Боситий" асарини нашрдан чиқиш жараёнига Боситхонов Тоҳиржон Шокирхонович ҳомийлик қилиб, барча ташкилий ишларга бош-қош бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий Кенгаши фаннинг турли соҳалари бўйича ёзилган асарларни ўрганиш билан бирга табобатга оид асарларни тадқиқ этиш ишлари ҳам кенг йўлга қўйилган. Мен институтнинг бу каби хайрли ишларидан жуда хурсандман. Истардимки, Боситхон Шошийнинг китоблари кўпроқ нусхада чоп этилса, юртдошларимизнинг табобат илмидан яхши хабардор бўлишига сабаб бўларди.

Мели МУҲАМЕДОВ,
пенсионер.

Болаларнинг бўш кунлари бошланди



● Обидаларимиз

ПАҲЛАВОН МАҲМУД МАҚБАРАСИ

Хива воҳасидан ўнлаб, юзлаб буюк олимлар, шоирлар, санъаткорлар, машҳур меъморлар, ватан озодлиги йўлида курашган Нажмиддин Кубро, Жалолидин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимиз етишиб чиққан.

Ана шундай улуғ инсонлардан бири Паҳлавон Маҳмуддир. У ўз даврининг машҳур шоири, файласуф олими, мутафаккири, ватанпарвари эди. Паҳлавон Маҳмуд Хивада (1247-1326 йили) туғилиб шу ерда тарбия топган, Хива ва Кўҳна Урганч ҳунармандларидан пўстиндўзлик ва телпакдўзликни ўрганиб узоқ муддат шу касб билан шуғулланиб келган.

Айни бир вақтда жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган Маҳмуд Хоразмда энг кучли полвонлардан бўлган. Ҳиндистон, Шероз, Рум, Сирдарё ва бошқа жойларда кураш тушиб шуҳрат қозонган.

Мана шу сифатларига кўра уни Паҳлавон Маҳмуд деб аташган.

Паҳлавон Маҳмуднинг 1000 дан ортиқ форс-тожик тилида ёзган фалсафий рубоийлари айниқса машҳурдир.

Мутафаккир Паҳлавон Маҳмуднинг асарларида моддий борлиқнинг мангулиги, инсон ва табиат, ёр васли ҳақида фикр юритилади, ҳалоллик, поклик, ростгўйлик янграйди, одамийлик улуғланади, текинхўрлик ва таъмагирлик қаттиқ танқид қилинади. Шоирнинг рубоийлари ҳунармандлар ва меъморларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларини ифодалайди. Паҳлавон Маҳмуд 1326 йилида вафот этган. Дастлаб, 1701 йилда Паҳлавон Маҳмуд қабри устига оддий кичик синчкори устида қурилган иморат бўлган. 1825-1835 йилларда унинг ўрнида тоқу равоқли серҳашам мақбара, зиёратхона, хонақоҳ қурилган. Хонақоҳ пештоқининг юзаси гиштдан, гумбази мовий ранг сопол билан жуда нозик ва нафис ишланган. Безак гуллар орасидаги алабий ёзувлар Паҳлавон маҳмуд рубоийларидан иборат. Паҳлавон Маҳмуднинг чиройли қилиб безатилаган соғанасида ҳам қуръоний ёзувлар бор. Мақбаранинг ичкарисида ҳам то гумбаз қуббасигача мовий ранг сопол билан ишлаб чиқилган.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси мажмуасини қуришда Хива ва Урганчнинг моҳир усталари ёлланган. Хазарасплик меъмор Одина Муҳаммад Мурод мақбара қурилиши ишларига бош-қош бўлди. Мақбарага ишлатилган Сиркор кошин безакларини Хива усталари бажарган.

Мақбарадаги Зиёратхона эшиги 1810 йилда, ташқи эшиги эса 1894 йилда Хива ёғоч ўймакорлик усталари томонидан бажарилган. 1913 йилда Хива хони Асфандиёрхон томонидан ҳовлининг ғарб томонига икки қаватли бино, қўриқхона, ўймакорлик устунли айвон қурилган.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва унинг атрофига кейинчалик Хива хонлари қабри жойлаштирилган. Натижада мақбара Хоразм хонлари хонадонига мансуб хилхонага айланди.

«Хиванинг ўзгача бетакрор обидалари ҳақида кўплаб эшитганман, ўқиганман. Ўқиш, эшитиш бошқа экан. Кўҳна Хивага келиб кўрдимки, бу обидалар нақадар ноёб, инсон ақл заковати билан вужудга келганига иймон келтирдим»,-деб тан беради африкалик олим Ҳусайн Умар Утман.

Рашид БОЙТУЛЛАЕВ,
Нормўмин Ўтанов.

Ф. МТ-1

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик Компанияси

АБОНЕМЕНТ газета / журнал

Mahalla — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

п.и. жойи — Mahalla — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга

(фамилияси, исми ва отасининг исми)

ОБУНА-2003

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа турдаги шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишлича қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунидан

Х.Содиқов чизган.

«Об-бо»

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ҳокимлигининг 2002 йил 18 июндаги 701-сонли қарорига асосан А.С. Умаровга якка тартибдаги тадбиркорлик фоалиятини юритиш учун берилган 0919760 рақамли гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Обод маҳалла йилининг

энг асосий тадбирлари ҳали олдинда. Бундан бебаҳра қолмайин десангиз, газетамизга обуна бўлишни унутманг!

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Сахифаловчи: Аброр БЕРДИЕВ

Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва сахифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25. Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

7790 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-239